Ушбу сонда:
2 — *Оролбўйидан мактублар* КОРХОНА ТАШАББУСИ
3 — ФЕРМЕР одамлар ташвиши билан яшайди
4 — *Евро-2004* ХАЁЛГА КЕЛМАГАН ЯКУН

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

**2004 йил 6 июл, сешанба № 108 (1741)**

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ПРЕЗИДЕНТНИНГ МОСКВАДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 2-3 июл кунлари амалий ташриф билан Россияда бўлди.***

Президентимиз Москвада МДҲга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этди. Унда Ҳамдўстликнинг сентябр ойига мўлжалланган Остона саммитига тайёргарлик кўриш, МДҲ доирасида интеграция жараёнларини жадаллаштириш ва савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, Афғонистондаги вазиятга доир масалалар ҳамда томонларни қизиқтирган қатор халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Саммит қатнашчилари Ҳамдўстлик доирасида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнлари, ҳамкорлик самарасини ошириш масалаларини муҳокама этдилар.

Президентлар хавфсизликни мустаҳкамлаш, террорчилик, экстремизм ва наркобизнесга қарши курашда ҳамкорлик масалаларига ҳам эътибор қаратдилар.

Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси ҳукумати раиси Михаил Фрадков билан учрашди. Мулоқот чоғида асосан мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўтган ой Тошкентда Ислом Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон билан Россия ўртасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолаган эдилар. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон бу ҳужжатга юқори баҳо беришини таъкидлади.

**(ЎзА)**





## «ИСТИҚЛОЛ УМИДЛАРИ - 2004»

***Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг спорт мажмуида умумтаълим мактаблари битирувчиларининг «Истиқлол умидлари - 2004» фестивали бўлиб ўтди. «Ардоғимда, қалбимдасан, Ватан!» шиори остида ўтказилган мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ишлари вазирликлари, Ўзтелерадиокомпания, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.***

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов тадбирни очар экан, ҳар бир мамлакатнинг қудрати ва салоҳияти, жаҳондаги мавқеи кўп жиҳатдан пухта билимли, малакали мутахассислари билан белгиланиши, шу боис аҳолининг асосий қисмини ёшлар ташкил этувчи юртимизда ёш авлоднинг илм эгаллаши, маънавий камолоти давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши эканини таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани, таълим учун давлат бюджетидан сарфланаётган маблағ Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида Ўзбекистонда энг юқорилиги бутун дунёда эътироф этилаётгани бунинг яна бир исботидир.

Бу йил қарийб ўн беш минг нафар ўсмир ўн биринчи синфни битирди. Катта ҳаёт остонасига қадам қўяётган бу ёшлар - мустақиллик неъматларидан баҳраманд бўлаётган авлод - том маънода истиқлол ва истиқбол умидларидир. Тадбир иштирокчилари мамлакатимиз ёшларига билдирилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Ёшлар ижро этган бадиий-мусиқий, ҳарбий-спорт дастурларида миллий истиқлол ғояси, она-Ватанга муҳаббат, ўзаро меҳр-мурувват, халқимизга хос азалий қадриятларни қадрлаш каби улуғвор ғоялар намоён бўлди.

Битирувчиларнинг Ўзбекистон Миллий боғидаги «Наврўз» мажмуи, «Туркистон» саройининг ёзги саҳнасида ташкил этилган шундай фестиваллари ҳам кўтаринки руҳда ўтди.

**(ЎзА)**

*Марказий қўмиталарда*

## КАСАБА УЮШМА АЪЗОСИ

### моддий манфаатдорлиги ошмоқда

***Бозор иқтисодиёти шароитида касаба уюшма ташкилотларига юклатилаётган вазифалар замон талабига мослиги билан ҳам аҳамиятлидир. Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш, бандлик масаласи, ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳимоялашлар ана шулар жумласидандир.***

Куни кеча бўлиб ўтган республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раёсат йиғилишида, жумладан, Навоий вилоятида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Айни вақтда Наманган вилоят тармоқ касаба уюшмалари қўмитаси тизимида 11 туман ҳамда шаҳар қўмиталари, 1 та вилоят қўмитасининг ҳудудий вакиллиги фаолият кўрсатмоқда. Улар ўз атрофига 115.950 нафар аъзони бирлаштирган. Вилоятда II курултой қарорлари изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ўқув марказида шаҳар, туман ва вилоят қўмитасининг ходимлари, 18 нафар олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар билим юртларининг касаба уюшма қўмитаси раислари ўз малакаларини оширдилар. Шаҳар ва туманларда ҳам худди шундай ўқувлар ташкил этилмоқда. Мана шу тадбирлар натижасида касаба уюшма аъзоларининг сони сезиларли даражада ортди. Кейинги вақтда вилоятдаги бошланғич ташкилотларда маънавият ва маърифат, соғломлаштириш, спорт ишларига алоҳида аҳамият бериб келишмоқда. Тармоқ тизимидаги 21 мингдан зиёд касаба уюшма аъзолари спортнинг турли секцияларига қатнашмоқда. 14 мингга яқин киши эса соғломлаштириш гуруҳларида шуғулланмоқда.

Айниқса, Чуст тумани касаба уюшма қўмитасининг диний-экстремизмга қарши кураш, ҳушёрлик ва огоҳликни таъминлаш бўйича олиб бораётган тадбирлари яхши натижа бермоқда.

Вилоят қўмитаси тасаррруфидаги таълим муассасаларида педагоглар, талаба ва ўқувчилар ижтимоий ҳимоясига ҳам эътибор кучли бўляпти. Касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий манфаатлари учун иш берувчилар ҳисобидан 614 миллион 872 минг сўм сарфланиб, ҳар бир касаба уюшма аъзоси ўрта ҳисобда 7960 сўмдан моддий манфаатдорлик кўрганлиги фикримизни исботлаб турибди. Бу кўрсаткич Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтида 86 минг сўмни, Наманган Давлат университетида 57 минг сўмни, Педагогика касб-ҳунар коллежида эса 55 минг сўмни ташкил этди. Жорий йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши муносабати билан туман ва шаҳар қўмиталарида ва бошланғич ташкилотларда тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, унинг ижроси таъминланмоқда. Шу жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида кам таъминланган 781 ходимга касаба уюшма маблағи ҳисобидан 2 миллион 632 минг сўмлик, иш берувчилар ҳисобидан эса 282 нафар ходимга 1 миллион 409 минг сўмлик моддий ёрдам уюштирилди. Ногирон, кам таъминланган, кўп болали оилаларга, уруш қатнашчилари ҳамда Чернобил фожеасини бартараф этишда қатнашган 160 нафар ходимга касаба уюшмалари ҳисобидан 539 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Лекин шу билан бирга вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитасида айрим камчиликлар ҳам учрамоқда. Масалан, ўтган йили жойларда 363 та жамоа шартномалари имзоланди. Айрим муассасаларда қабул қилинган келишув ва жамоа шартномалари имкониятларидан фойдаланишда камчиликларга йўл қўйилмоқда. Жамоа шартномаларидаги бандларнинг бажарилишини назоратга олиш суст бўлганлиги сабабли Наманган шаҳри, Тўрақўрғон ва Чортоқ туманларида ҳар бир касаба уюшма аъзосига сарфланадиган маблағ миқдори вилоят кўрсаткичидан паст. Косонсой, Наманган, Уйчи, Учқўрғон, Мингбулоқ ва бошқа туманларда физика, кимё, математика ҳамда чет тили фанларидан ўқитувчилар етишмаяпти. Касаба уюшма қўмитаси ҳамда вакилликлари хоналарини жиҳозлаш талаб даражасида эмас. Айрим жойларда меҳнат ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари содир бўляпти. Ишга қабул қилишда меҳнат шартномаларини тузиш ҳамда уни бекор қилишда камчиликлар мавжуд. Вилоят қўмитасига келаётган ариза ҳамда шикоятларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳали касаба уюшмалари фаолиятида ечилмаган муаммолар ҳам йўқ эмас.

Юқоридаги муаммолар ва шунга ўхшаш камчиликларни бартараф этиш юзасидан Наманган вилоят касаба уюшма тармоқ қўмитаси тезкорлик билан барча имкониятларни ишга солишлари зарур.

Маълумки, яқинда тармоқдаги касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ҳамда конференциялари бошланади. Мана шу тадбирни тўлақонли ўтказиш мақсадида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси III қурултойига тайёргарлик кўриш ишчи гуруҳлари таркиби тузилди. Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида ҳам мана шундай ишчи гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда.

Республика тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитаси йиғилишида Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам муҳокама этилди. Унинг ижросини таъминлаш юзасидан тадбирлар режаси тузилиб, тармоқ ва ҳудудий келишувларга, жамоа шартномаларига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. Иш ҳақи тўловлари бўйича қарздорлик кўлами таҳлил этиб борилмоқда ва тегишли маълумотлар юқори касаба уюшма органларига етказилмоқда.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

***Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида «Ўзбекистон Республикасининг депутатликка номзодларни бевосита фуқаролар томонидан кўрсатиш тўғрисидаги сайлов қонунчилиги» мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари раҳбар ва ходимлари, маҳалла оқсоқоллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, мамлакатимиз ва чет эл журналистлари қатнашди.***

***Семинарни Марказий сайлов комиссиясининг раиси Бўритош Мустафоев бошқарди.***

*(Давоми 3-бетда)*

## «САДО»: СИФАТ ВА МИҚДОР ОШМОҚДА

Шаҳрисабз туманидаги «Садо» акциядорлик жамияти мамлакатимиз миқёсида ўтказилаётган барча кўргазма ва ярмаркаларда фаол иштирок этиб, буюртмалар ҳажмини тобора кўпайтирмоқда.

Юқори сифатли трикотаж маҳсулотлари, болалар кийимлари ва спорт либослари «Садо»нинг ташқи бозордаги обрўйини ҳам оширмоқда. Акциядорлик жамияти менежерлари ўтган йилнинг охирида ўтказилган нуфузли ярмаркада «Тайосианс» фирмаси орқали АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳридаги савдо уйига 112 минг долларлик маҳсулот етказиб берди. Жорий йилнинг бошида шаҳрисабзлик товар ишлаб чиқарувчилар Жанубий Кореянинг «Тайчин» фирмаси билан беш юз минг долларлик битим имзолади. Ҳозир ушбу буюртма бажарилмоқда.

- Ўтган йили корхонамизда салкам 300 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида мазкур кўрсаткич 127,7 миллион сўмни ташкил этди, - дейди «Садо» акциядорлик жамияти раҳбари Омон Рамазонов.

**(ЎзА)**

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

## ЖАЗО — МЕҲНАТ ҚОНУНЛАРИГА ЗИД

***«Халқ банки» Нишон туман филиали бошқарувчиси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100-модда 4-бандига асосан эгаллаб турган лавозимидан озод этилсин».***

Республика давлат-тижорат «Халқ банки» бошқарувининг Ҳасан Норменгов ҳақидаги 2003 йил 2 октябрдаги ушбу буйруғи ҳеч кимни ажаблантирмаслиги мумкин. Бу кутилган жараён. Хизмат вазифасига раҳбар сифатида масъулиятсизлик қилдингми, пировард натижа шунга яраша бўлиши табиий. Боз устига бу республика Марказий банки раиси ўринбосарининг жавоб хатида кўрсатилганидек, филиалда биринчи даражали нафақа маблағларининг тўланиши юзасидан тегишли чоралар кўрилмаганлиги, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банкнинг муддатли депозитларига жалб қилиш, ресурс базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, жисмоний шахслар ва хўжалик юритувчи субъектларга берилган кредитлар меъёрий ҳужжатлар асосида расмийлаштирилиши ва берилган кредитлар ўз вақтида қайтарилиши таъминламаганлиги, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ишлари устидан назорат сусайтириб юборилганлиги ва бошқалар билан изоҳланган бўлса яна нима ҳам дейиш мумкин. Лекин жазо мамлакат қонунларига тўла мос келиши, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бош ҳарфлар билан ёзилган инсон ҳақ-ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилмаслиги лозим. Президентимиз уқтириб келаётганидек, инсон ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка асло чидай олмайди. Шундай экан, демократик жамият қуриш йўлида қилаётган саъй-ҳаракатларимиз янада самаралироқ бўлиши одамлар адолат истаб маҳкамалар эшигида сарсон-саргардон бўлмаслиги учун ҳамма жойда қонун устувор бўлиши керак.

«Мен адолатсизлик қурбони бўлдим, - дейилади таҳририятимизга Ҳасан Норменгов томонидан юборилган хатда. – «Халқ банки» Қашқадарё вилоят филиали бошлиғи Норбобо Усмоновнинг шахсий талабларини бажара олмаганим мен ҳақимда республика «Халқ банки» бошқарувига асоссиз ахборот берилишига олиб келди. Оқибатда республика «Халқ банки» бошқаруви ички назорат бошқармаси ходимларининг вилоятимизда ўтказган тафтиш натижаларига кўра мени эгаллаб турган вазифамдан бўшатишди.

Менга нисбатан Меҳнат Кодексининг 100-модда 4-бандининг қўлланилиши мавжуд меҳнат қонунларига зид эмасмиди? Тафтиш далолатномасини худди шу даврда бошқа туманларда ўтказилган текшириш натижалари билан таққослаб кўрсангиз бунга амин бўласиз. Чунки банкнинг Нишон филиалида қўпол хатоликлар қайд этилмагани ҳолда Китоб, Ғузор, У.Юсупов, Қарши, Деҳқонобод туманларида жиноятчилик фактлари ошкор бўлган, баъзи раҳбарлар ҳатто суд томонидан жазоланган бўлсалар-да, улар фаолиятига етарли баҳо берилмади. Менга келганда эса биринчидан, камчиликлар бўрттириб кўрсатилди, далолатномага қўл қўйдириш шунчалик зарур эканки, ҳатто шифохонада қон босимим ошиб ётган жойимдан мажбуран олиб келишди, иккинчидан, меҳнат фаолиятим давомида кўрсатилган камчиликларни тугатишга имкон беришмади. Бир йўла вазифамдан бўшатиб қўяқолишди.»

Чинданам Ҳасан Норменгов банкда тафтиш ўтказилган 2003 йилнинг 6 августидан касаллик варақасида бўлган. Буни Қашқадарё вилоят «Халқ банки» Нишон филиалининг 2002 йил 1 октябрдан 2003 йил 1 августгача бўлган давр мобайнидаги молиявий фаолияти бўйича комплекс текширув юзасидан тузилган далолатнома ҳам тасдиқлайди. Дарҳақиқат, Ҳ.Норменгов «Халқ банки» Нишон филиалининг бошқарувчилигида 1998 йил июл ойидан бери ишлаб келган. Меҳнат фаолияти давомида текширишгача бирон жазо олмаган. У ҳолда унга тўғридан-тўғри Меҳнат Кодекси 100-модда 4-банди талабларининг қўлланилиши, у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги 2003 йил 2 октябрдаги буйруқ меҳнат қонунлари талабларига мос келадими?

«Буйруқни расмийлаштиришда Ўзбекистон Республикаси «Халқ банки» бошқаруви томонидан қонуннинг баъзи талаблари бузилишига йўл қўйилган, - дейилади Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси Жория Алимходжаева томонидан республика «Халқ банки» бошқаруви раиси А.Ҳайдаров номига шу йилнинг 28 июнида йўлланган хатда. – Жумладан, буйруқда меҳнат шартномаси бекор қилинган кун кўрсатилмаган. Бу билан Меҳнат Кодексининг 107-модда иккинчи қисмига риоя этилмаган.

Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир маротаба қўпол равишда бузишларнинг рўйхати ички меҳнат тартиби қоидаларида кўрсатилади. Банкнинг ички меҳнат тартиби қоидалари белгиланган тартибга зид равишда, яъни меҳнат жамоасининг ва касаба уюшма қўмитасининг 01.08.2002 йил кунги умумий йиғилиш мажлисида қабул қилинган (11-сонли баённома). Бундай тарзда қабул қилинган меъёрий ҳужжат юридик кучга эга ҳисобланмайди. Шу туфайли бу ҳужжатга асосланиб ходимни ўз меҳнат вазифасини бир маротаба қўпол равишда бузган деб топилиб, меҳнат шартномаси бекор қилиниши ғайриқонуний ҳисобланади. Юқорида баён қилинганларга ҳамда Меҳнат Кодексининг 111-,112-моддаларига мувофиқ Ҳ.Норменгов аввалги лавозимга ишга тикланиши ва унга мажбурий бекор юрган кунлари учун ҳақ тўланиши лозим бўлади.

Шунингдек, келгусида хатоликларга йўл қўймаслик учун амалдаги меъёрий ҳужжатларни Қонунга мувофиқлаштириш чораларини кўришни таклиф этамиз. Бу борада сизларга амалий ёрдам беришга ва ўзаро келишилган ҳолда мутахассисларингиз учун ўқув-семинар ташкил этишга тайёр эканимизни маълум қиламиз».

Касаба уюшмалари Марказий қўмитасининг қонуний талаби қай тарзда қабул қилингани бизга номаълум. Фақат ҳозирча Ҳасан Норменговга судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган. Буёғи тушунарли. Яна сарсон-саргардонлик давом этади. Суд-ма-суд юришнинг эса ўзи бўлмайди. Ё шу йилнинг 14 майида «Халқ банки» Қашқадарё вилоят филиали бошлиғи Н.Усмонов томонидан унга юборилган хатда таъкидланганидек, Нишон туман «Халқ банки»нинг «Навбаҳор» фермерлар уюшмасида ташкил этилган мини банкнинг мудири вазифасида ишлаш ҳақидаги таклифга рози бўлиб қўяқолсамикин?

У ҳолда ходимнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқларини ким тиклайди?

**Ялғош САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

***«Зарафшон» киноконцерт залида компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионати - WCG 2004 Uzbekistan Preliminary саралаш турнирининг ғолиб ва совриндорларини расмий мукофотлаш маросими бўлиб ўтди.***

## КОМПЬЮТЕР ЎЙИНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Орипов тадбирни очар экан, анъанага айланган бу каби мусобақаларни ўтказишнинг ўта муҳимлигини таъкидлади. Бундай беллашувлар фуқароларимизнинг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жараёнидаги иштирокини фаоллаштириб, компьютерлар, Интернет тармоғи ва виртуал ўйинларга йилдан йилга ортиб бораётган қизиқишни янада кучайтиради.

Чемпионат икки босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда май-июн ойларида Бухоро, Наманган, Самарқанд, Фарғона ва Тошкентда ҳудудий саралаш турнирлари бўлиб ўтди. Бу турнирларда барча вилоятлардан 2300 нафар ўйинчи иштирок этди. Геймерлар яккама-якка беллашувларда ва бешта ўйин тури бўйича жамоа таркибида баҳслашди.

Иккинчи босқич - миллий финал 2 июл куни пойтахтимиздаги халқаро бизнес-марказда бўлиб ўтди. Бу ерда чемпионатнинг ҳудудий саралаш турнирлари финалчилари 72 нафар геймер ва 8 жамоа ўзаро куч синашди. Чемпионатда Георгий Горбенко, Сардор Мираҳмедов, Вячеслав Белов, Элдор Камаев ва «PRODIGY» жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Улар жорий йилнинг октябрида Сан-Франциcкода (АҚШ) ўтказиладиган Grand Final World Cyber Games 2004 жаҳон финалида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

**(ЎзА)**

*Тармоқда нима гап?*

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА 3,5 МИЛЛИАРД СЎМ

***Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Хоразм вилоят қўмитасига қарашли 379 та ташкилот бўлиб, унга 181 минг 286 нафар касаба уюшма аъзоси бирлашган.***

Қўмита асосий эътиборни ёрдамга муҳтож кишилар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ҳамда фахрийларга мурувват кўрсатишга қаратиб келмоқда. Бугунги кунда жамоа шартномаси корхона, ташкилот ва хўжаликларда иш берувчи ва ходимлар ўртасида меҳнатга, ижтимоий-иқтисодий касбга оид муносабатларни тартибга солувчи ва барқарорлаштирувчи меъёрий ва қонуний ҳужжат сифатида тан олинган.

Ўтган йил жамоа шартномалари ва келишувларида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш учун 3.5 миллиард сўм сарфладик. Жорий йилда эса бу рақам 4 миллиард сўм бўлиши кутилмоқда. Тадбирларни амалга ошириш учун ҳар бир касаба уюшма аъзоси учун 30 минг сўмлик маблағ сарфланади. Вилоятдаги барча корхона ва хўжаликларда ночор, кўп болали, моддий ёрдамга муҳтож оилалар тўлиқ ҳисобга олиниб байрамларда уларнинг ҳолидан хабар олинмоқда.

Маълумки жамоа шартномалари касаба уюшмаларининг муҳим ҳуқуқий ҳужжати, асосий қуролидир. Чунки ташкилотимизнинг асосий фаолияти ана шу ҳужжат билан боғлиқ.

Ҳуқуқий мададга, ижтимоий муҳофазага муҳтож кишилар энг оммавий ташкилот касаба уюшмаларига мурожаат қилишга одатланишган. Шунинг учун вилоят қўмитаси фуқароларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ариза ва шикоятлари билан ишлашда муайян тажриба тўплаган.

Жорий йилнинг 5 ойида тармоқ қўмитаси раиси номига 6 та ёзма, 50 дан ортиқ оғзаки шикоятлар тушди. Уларнинг 5 таси қаноатлантирилди. Масалан «Хоразммахсуссувдренаж» жамоа ходими Озод Болтаев ўз хоҳиши билан ишдан озод бўлганига қарамасдан, корхона у билан тўла ҳисоб-китоб қилмаган. Ишга касаба уюшмалари аралашгач, унга 506 минг сўм пул ундириб берилди. Вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» ҳиссадорлик бирлашмаси заҳира базасида ҳайдовчи бўлиб ишловчи Мухтор Маҳмудовнинг мажбурий ишдан бўш кунлари учун иш ҳақи ундириб берилди. Худди шу бирлашманинг Хонқа бўлимида омбор мудири бўлиб ишловчи С.Ибодуллаев нотўғри ишдан бўшатилгани учун ўз вазифасига тикланди.

2004 йил 19 январда «Урганч экскаватор» ҳиссадорлик жамиятида жамоа шартномаларининг бажарилиши ва бу борада касабақўмларнинг фаолиятларини кучайтириш мақсадида кўрик-семинар ўтказдик. Бу тадбирга барча туман касабақўмлари раислари, корхона, ташкилот раҳбарлари қатнашдилар. Семинар иштирокчилари жамиятда меҳнаткашларга яратилаётган шарт-шароитлар билан танишдилар ва ўзларига тегишли хулосалар чиқариб олдилар.

Бу йил вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитасининг 14 та оромгоҳи мавсумга тайёрланди. Бу масканларда жорий йилда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандларидан 4110 нафарини дам олдириш режалаштирилган. Июн ойининг ўзида бу оромгоҳларда 1400 нафар ўқувчи соғломлаштирилди ва бошқа «Ҳазорасп гуллари», «Коинот», «Ҳумо», «Жайҳун» деб аталган оромгоҳларда ёшларни дам олиб ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилди.

**К.РАҲИМОВ,**
**Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Хоразм вилоят қўмитаси раиси**





*Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?*

# АЛЛО, БУ «ТЕЛЕКОМ»МИ?

Наманган «Телеком» филиали бозор муносабатлари шароитида муносиб ўрин топмоқда. Корхонада 1300 дан ортиқ киши меҳнат қилиб, бу ерда йиллик даромад қисқа фурсат ичида 3 миллиард сўмга етди. Шу жумладан аҳолига 1,5 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилди.

«Телеком» наманганликлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланмоқда. Вилоятда ҳар 100 кишига 5,4 тадан телефон тўғри келяпти. Эндиликда мижозлар талаби ўрганилган ҳолда рақамли АТСлар салмоғини оширишга катта эътибор қаратилди. 42,7 километр шиша толали алоқа кабели тармоғи ҳамда Наманган шаҳрида сиғими 0,5 минг номерли 24 электрон АТС фойдаланишга топширилди. Шаҳарнинг Ахсикент даҳасидаги минг номерли станцияга қўшимча 26 электрон АТС ишга тушди.

Чуст туманида вилоят телевидениеси сигналларини узатиш станцияси қурилиши бошлаб юборилди. Ушбу объект қурилиши учун вилоят ҳокимлиги томонидан 90 миллион сўмлик маблағ ажратилди.

Шуниси характерлики, Ўзбекистон ва Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBC) билан имзоланган кредит келишувига асосан умумий узунлиги 366 километр шиша толали алоқа кабели тармоғи қурилиши учун ҳозиргача 3,5 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди. Шаҳарнинг янги ташкил этилган «Ёшлик», «Гангстон», «Мустақилликнинг 5 йиллиги» ва «Сарбон» маҳаллалари аҳолининг телефон алоқасига бўлган талабини қондириш мақсадида Американинг Мерен Корпе компанияси билан аҳолининг улушли ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Шу мақсадда умумий қиймати 47,7 миллион сўм бўлган лойиҳа амалга оширилмоқда. Лойиҳа амалга ошгач, ҳududдаги 180 хонадон рақамли телефон алоқасидан фойдалана бошлайди.

Наманган «Телеком» алоқачилари АТСлар ва автомобиллар учун аккумулятор батареяларини ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйдилар.

**Соҳиба АЪЗАМОВА,**
**«Ишонч» мухбири,**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

*Оролбўйидан мактублар*

***«Халқобод момиғи» ҳиссадорлик жамияти шаҳардаги йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. 400 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган аҳил ва иноқ жамоада ўтган йили 2000 тонна хомашё қайта ишланиб, хорижий мамлакатларга жўнатилди.***

# КОРХОНА ТАШАББУСИ

Корхона раҳбари Мурод Қодировни илғор ишчилар ва касабақўм раиси Саидмуҳаммад Пиржонов билан маслаҳатлашиб турган пайтда учратдик.

– Жамоа аъзолари билан келишиб эртага шаҳар маҳаллалари ва хиёбонларини ободонлаштиришга чиқадиган бўлдик, - дейди жамият раиси. – Ҳашар элга ярашар, деб ёшуллилар бежиз айтишмаган.

Бу ташаббус туман ва шаҳар раҳбариятига ҳам маъқул тушди. Натижада пахта тозаловчилар сафига бошқа корхона ва ташкилотлар жамоалари ҳам қўшилдилар. Халқобод Кегейли тумани тасарруфидаги кўркам аҳоли истиқоматгоҳларидан. Шаҳарчада 3 та ўрта мактаб, 5 та болалар боғчаси, 1 та боғча-мактаб, саноат транспорт касб-ҳунар коллежи, автомобил йўллари бошқармаси, газ таъминоти идораси, агроқурилиш бошқармаси, кўплаб савдо, умумий овқатланиш, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди.

Бошқача қилиб айтганда, Оролбўйидаги бу серфайз қўрғон йил сайин кўркамлашиб бормоқда. Мавжуд 4 та фуқаролар йиғини ҳудудида 2170 оила ва 11300 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда Республика Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор берилаяпти. Ўтган даврда 280 та оилага 6,7 миллион сўм, 18 ёшга тўлмаган фарзандлари бўлган 1271 нафар онага 52 миллион сўм болалар нафақаси тўланди. Бундан ташқари, корхона ва ташкилотлар якка-ёлғиз қариялар ва ногиронларга ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келишаяпти.- Туман ҳокимлигининг саъй-ҳаракатлари билан 100 дан ортиқ оиланинг газ тўловлари фуқаролар йиғинида тўпланган маблағлар ҳисобидан қопланди. «Қизил Ярим Ой» жамияти туман бўлимининг ташаббуси билан кам даромадли, серфарзанд оилалардан 103 тасига кийим-кечак ва пойафзал тарқатилди. 50 дан ортиқ оилага фуқаролар йиғинлари томонидан моддий ёрдам кўрсатилди.

Туман ҳокими П.Иматов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қўмита раиси Ж.Эзентаев «Лола» болалар боғчасида бўлиб, тарбияланувчиларга қимматбаҳо совғалар топширдилар. Кўча ва хиёбонлар ободонлашиб бормоқда. Баҳорда 20 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт ўтқазилди. Халқобод гузари, Мустақиллик, Амир Темур, А.Дўстназаров кўчаларидаги корхона, ташкилот, хусусий дўконлар ва турар-жой бинолари таъмирдан чиқарилди.

Маҳаллаларда тўй ва маъракалар ихчам ва тартибли ўтказилади. Жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшлар ўртасида гиёҳвандликка қарши кураш кучайтирилган. Ички ишлар бўлими профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари, тарбиячи-педагоглар билан ҳамкорликда «Гиёҳвандлик –аср вабоси», «Огоҳлик – давр талаби», «Ўз уйингни ўзинг асра», «Диний экстремизмнинг зарарли оқибатлари» мавзуларида тушунтиришлар олиб борилаяпти. Аҳоли соғлиғини муҳофазалаш доимий эътиборда. Мингдан ортиқ туғиш ёшидаги оналар, 2000 нафар вояга етмаган болалар ва ўсмир қизлар тиббий кўрикдан ўтказилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими маблағи ҳисобидан лойиҳа қиймати 153 миялион сўмлик спорт мажмуаси қурилаяпти. «Кегейлиагроқурилиш» ҳиссадорлик жамияти бунёд этаётган усти ёпиқ мажмуадан 3 минг ўринли ўйингоҳ, 6 та кичик зал, волейбол, баскетбол, ядро ирғитиш майдончалари, кураш, теннис, бокс, оғир атлетика, шоҳмот-шашка, дам олиш ва ювиниш хоналари ўрин олади.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## УНИВЕРСИТЕТ ФАХРИ

Тошкент давлат аграр университети ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар муносиб ўрин эгаллайди.

Университетда меҳнат қилаётган 460 нафар профессор-ўқитувчининг 266 нафарини хотин-қизлар ташкил қилади. Шуниси қувонарлики, улар орасида таниқли олималар ҳам бор.

Шогирдлар ҳам устозларидан қолишмаяпти. Олий ўқув юртида таҳсил олаётган 400 нафар талаба-қизлар орасида Президент стипендиатлари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари бор. Университет қизлар спорт жамоаси республикадаги энг кучли жамоалардан бири бўлиб, кўплаб халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда.

Олий ўқув юртининг ажойиб анъаналари бор. Хотин-қизларни ҳурмат қилиш, уларнинг меҳнатини қадрлаш, билим олиши ва камолотга етиши учун кенг йўл очиш ана шундай анъаналар сирасидан.

Тошкент аграр университети нафақат юқори малакали қишлоқ хўжалиги мутахассисларини, балки янги демократик жамиятнинг фаол бунёдкорларини ҳам тайёрлайди.

Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун янгидан-янги имкониятлар яратади.

## ҲАМШИРАЛИК ТАЪЛИМИ: ЯНГИ ЛОЙИҲА

Мамлакатимиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан Япониянинг Халқаро ҳамкорлик агенлиги (JICA) ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик яхши самара бермоқда. Бу борада яна бир хайрли ишга қўл урилди - ҳамширалик таълимини юксалтириш бўйича янги лойиҳа амалга оширила бошланди.

Беш йилга мўлжалланган ушбу лойиҳага мувофиқ, Тошкентдаги Биринчи тиббиёт коллежи ўқув базасида мазкур лойиҳа асосида япониялик экспертлар томонидан ўқитувчилар билим ва маҳорати оширилади. Ўқув режалари, янги дарслик ва қўлланмалар яратилади. Мунтазам равишда ўқув-семинар ва тренинглар ўтказиб борилади. Маҳаллий мутахассис ва талабаларнинг Японияда малака ошириши ҳам режалаштирилган.

(ЎзА)

*Бор бўл, оқибат!*

***Буни тақдир дейдилар. Гарчанд ҳеч бир ота-она истамаса-да, баъзида ногирон гўдак дунёга келади. Сўнг туғма хасталик уни бир умр тарк этмайди. Кексалар айтмоқчи, бу синовли дунёда инсон бардоши, атрофдагилари, яқин кишиларининг меҳр-оқибатини синовдан ўтказади. Шундай экан, кўнгли ярим ногиронлар ва етим-есирлар, ёрдамга муҳтожларга оз бўлса-да кўмак беролсак, ўксик қалбларни шодлантира олсак топган савобимиз, давлатимиз шу.***

# ТАБАРРУК БОБОЛАР ВА МОМОЛАР

## юртга тинчлик, элга фаровонлик сўраб дуога қўл очдилар

Туманимизда айни вақтда 7950 нафардан ортиқ пенсия ва нафақа олувчилар бор. Шундан 762 нафари боқувчисини йўқотган нафақахўрлардир. Вазифамиз, қолаверса инсоний бурчимиз тақозосидан келиб чиққан ҳолда, биринчи галда шундай оилаларга ғамхўрлик кўрсатишга ҳаракат қиляпмиз. Саховатпеша инсонлар билан бирга тез-тез улар ҳузурида бўлиб, моддий-маънавий томондан қўллаб-қувватляпмиз. Мисол учун, яқинда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг йигирма нафар ўғил-қизини бир жойга тўплаб, дастурхон ёздик. Шу баҳона уларнинг кўнгли олинди, ҳар бирига кийим-кечак, совғалар улашилди.

Туманимизда истиқомат қилаётган йигирма тўққиз нафар ўзгалар қарамоғига муҳтож кишига бўлимимизнинг тўрт нафар ходими хизмат кўрсатмоқда. Ходимларимиз уларга зарур озиқ-овқат маҳсулотларини вақтида етказиб бериб, уй юмушларини ҳам сидқидилдан адо этишмоқда. Шу боис ёлғиз яшовчи қариялар ва ногиронлардан Асан Жонғозиев, Зиннат Абдухоликов, Тоғай Элмуродов кабилар ходимларимиз хизматидан мамнун.

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан амалга оширилаётган ишларга саховатталаб ҳомийлар ҳам муносиб улуш қўшишяпти. Яқинда ҳомийлар томонидан ёлғиз кексалар ва ногиронларга 38 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. 13 нафар қария эса сиҳатгоҳларга бориб даволаниб қайтди.

Халқимизда дуо билан эл кўкарар, деган гап бор. Айниқса, узоқ умр кўрганлар дуосини олиш энг катта бахт. Туманимизда икки нафар 100 ёшдан ошган, 52 нафар 90 ёшдан ўтган қариялар умргузаронлик қилишмоқда. Уларни совға-саломлар билан тез-тез йўқлаб, ҳолидан хабар олиб турибмиз. Ўтган ҳафта ана шундай табаррук отахон ва онахонларнинг бир нечасининг хонадонига ташриф буюрдик. Юртга тинчлик, элга фаровонлик сўраб қилган дуоларини олдик. Ундан сал аввал эса иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ногиронлари, уларга тенглаштирилган ҳарбий ҳаракатлар иштирокчиларини тўплаб «Боғишамол» чойхонасида зиёфат бердик. Эл таниган санъаткорлар улар хизматида бўлишди. Бундай хайрли тадбирларни байрамлардан бошқа пайтларда ҳам уюштириш, кексалар ҳамда шикаста диллар кўнглини кўтариш Сайхунободда бундан кейин ҳам ажойиб анъана сифатида давом этади.

**Шавкат РЎЗИҚУЛОВ,**
**Сайхунобод туман ижтимоий таъминот бўлими мудири ўринбосари**

*Қарор ва ижро*

***Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори шу йилнинг 5 майида қабул қилинган эди. Эндиликда паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисоди ночор корхоналар замонавий ишлаб чиқариш масканларига айланиши шубҳасиз. Қолаверса, бу инвесторлар учун ҳам кенг имконият.***

***Хўш, шундай экан, бундан Сирдарё вилоятида қандай фойдаланилаётир?***

***Мухбиримиз вилоят иқтисодий ночор корхоналар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Орзиқул Мўминов билан ана шу хусусда суҳбатда бўлди.***

# КЎЧМАС МУЛК — КЕТМАС ДАВЛАТ

**— Таассуфки, Сирдарёда ҳам чўкиб қолган корхона ва объектлар оз эмас. Уларни янги соҳибларга топшириш учун нима қилинаётир?**

- Таъкидлаш жоиз, ҳукуматимиз қарори энг аввало хусусий секторнинг иқтисодиётдаги мавқеини янада оширишга қаратилган. Шу боис вилоятимиздаги дахлдор ташкилот вакиллари, ҳудудий танлов комиссия аъзолари кенг халқ оммасига қарор моҳияти, унда кўзда тутилган имтиёз, имконият ва кафолатлар хусусида тўла тушунча беришга интилишаяпти. Бир қатор амалий мулоқотлар, давра суҳбатлари ташкил этилди.

Хусусан, ўзим фаолият юритаётган бошқарма бевосита мулкида давлат улуши бор корхоналар иқтисодий аҳволини таҳлил қилиб, барқарор ривожланишга амалий мадад бериб келаяпти. Ҳудудимизда бир пайтлари иқтисоди гуркираган, аммо ўз фаолиятини бозор муносабатларига мослай олмай, зарар комига тушиб қолган корхона ва объектлар йўқ эмас. Тўғри, бу ерда кўп бора раҳбарлар янгиланди, фаолиятда туб бурилишлар ясашга интилинди. Аммо уддасидан чиқолмаганлар ташлаб қочишди. Шу боис бундай корхоналарни тадбиркорларга инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш лозим, деган хулосага келинди. Аниқроқ қилиб айтганда, 22 та корхона ва объектлар мулкдорларга тақдим этиш учун рўйхатга олинди.

Мулк эгасини топганда, ишлар олға силжишини ҳаётнинг ўзи кўрсатаяпти. Бунга мисоллар кўп. Танловда ғолиб чиққанларга вилоятимиздаги 5 та корхона тақдим этилганди. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра 4 та корхонада юксалиш қайд этилди. Чунончи, Сайхунобод кўчма механизациялашган жамланма ўз эгасини топгандан сўнг, уч ойда 6 баробар ўсишга эришди. Рентабеллик даражасидаги юксалиш 4 фоизга ошган 38-кўчма механизациялашган жамланма иш бажариш ҳажми 2 баробарга кўтарилган. Бундан кўриниб турибдики, мулкни ўз соҳибига топширишда иккиланишга сира ҳожат йўқ.

Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериладиган корхона ва объектлар учун илк тендер-танловини 26 июн куни ўтказдик. Унда ишбилармон ва тадбиркорларнинг муайян гуруҳи иштирок этди. Қарор асосида тақдим этилган саккизта иқтисоди пароканда корхонага қизиқиш катта бўлди. Шулардан айримлари хусусида тўхталиб ўтсак.

«Мирзачўлқурилиш» акциядорлик жамияти бир пайтлари вилоят экин майдонларининг тўртдан уч қисми мелиоратив ҳолатига жавобгар эди. Корхона зиммадаги вазифани узоқ йиллар уддалаб келди. Аммо кейинги йиллар бошқарувдаги нуқсон, иқтисодий беқарорлик оқибатида ботқоққа ботди. Худди шундай ҳол «Гулистонсут» акциядорлик жамияти, «Иқбол, 128-кўчма механизациялашган жамланма, «Гулистон» қурилиш бошқармасида ҳам рўй берган.

Ҳудудий комиссиямиз бу борадаги шошма-шошарликка йўл қўймаслик, етти ўлчаб бир кесиш пайида бўлишаяпти. Нимага деганда, мулкка эга бўлиш истагида юрганлар кўп. Аммо уларнинг имконияти қандай, пишиқ-пухта, узоқни кўзлаган бизнес режага эгами, қолаверса корхонани оёққа турғазишга қодирми? Хуллас шунга ўхшаш мулоҳазаларни ўртага ташлаяпмиз.

**— Корхоналарнинг иқтисодий ночор ҳолатига тушиши сабаби ўрганилаяптими? Нега қатор корхоналар банкротликка учраяпти?**

— Бунинг сабаблари жуда кўп. Мана оддий бир мисол. «Янгиер Лада» ҳиссадорлик жамияти «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг Сирдарёдаги диллери ҳисобланади. Икки йил илгари «Миллий банк»нинг Янгиер шаҳар бўлимидан олинган кредит маблағларининг 82,7 миллион сўмини собиқ бошлиқ А.Степаченко мақсадсиз сарфлаб юборади. Оқибатда ҳиссадорлик жамияти айланма маблағсиз қолади.

Натижада ҳеч бир иш бажаришга қодир бўлмаган корхона кредитни қайтаролмади. Қарзга ботди. Бир шахс лоқайдлиги бутун бир жамоа юзини шувит қилди. Инқироз эшигини очди. Демоқчиманки, банкротликка олиб келувчи омил ишни ташкил этишдаги нўноқлик, уқувсизликдир. Баъзи ношуд кишиларнинг орқа-олдини ўйламасдан иш юритиши, тежамкорликни унутиши, ишни ташкил эта билмаслиги оқибати ўта хунук тугаяпти. Бундан сақланишимиз, хулоса чиқаришимиз лозим.

**— Кўчмас мулк-кетмас давлат, дейишади. Бунга фермерлар қизиқиши қандай?**

— Тан олиш керак, фермер нафақат ишлаб чиқариш, балки қайта ишлаш учун ҳам қайғуриши даркор. Текин бериладиган объектларга вилоятимиз қишлоқларидаги ўн битта собиқ боғча бинолари ҳам киритилган. Фермерлар уларга сармоя киритса, нур устига аъло нур бўлмасмиди? Афсус, ҳали бу борада сусткашлик бор.

Хуллас, бошқармамиз қарор ижросини таъминлашга дахлдор идоралар билан бақамти туриб, фаолият олиб бораяпти. Муддаомиз Сирдарёда хусусий секторнинг иқтисодиётдаги аҳамиятини ошириш, замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар сафини кенгайтиришдан иборат.

**Суҳбатдош:**
**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## «ОБИ ҲАЁТ» -ХОРИЖГА

Навоий шаҳрида ишга тушган «NESTOR» Ўзбекистон-Голландия қўшма корхонасида соатига 4,5 минг литргача шифобахш сув қадоқлаш қувватига эга замонавий ускуналар ўрнатилган. Сув Нурота булоқларидан олинади. «Оби ҳаёт» қадоқланадиган идишлар ҳам шу ернинг ўзида тайёрланади.

50 нафар кишини доимий иш билан таъминлаган қўшма корхона ўз маҳсулотларини Исроил, Голландия, Эрон, Туркия ва Бирлашган Араб Амирликлари каби мамлакатларга экспорт қилишга киришди.

*«Ишонч» фош этади*

***Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, деҳқон-фермер хўжаликлари манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси тегишли назорат қилувчи органлар томонидан доимий текшириб борилади.***

# ИШКАЛ ИШНИНГ ЧУВИ ЧИҚДИ

Мирзачўл туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда аниқланишича, тумандаги «Ўзбекистон» хўжалиги ҳудудида фаолият кўрсатиб келаётган «Ҳаким-Йўлдош» фермер хўжалиги ўтган йилги пахта етиштириш шартномавий режасини юз фоизга бажаргани эвазига фермер хўжалигининг АТ «Тадбиркорбанк» Мирзачўл туман бўлимидаги ҳисоб рақамига 2003 йилнинг 26 декабридаги 15.000 000 сўм якуний пахта ҳосили учун эркин маблағ келиб тушади. Банкнинг мансабдор шахслари ушбу эркин пул маблағининг фермер хўжалигининг инкасса топшириқномалари орқали ўтказиб бермасдан уч кун муддатда ноқонуний равишда сақлаб, 29 декабр куни «Иржар» пахта тозалаш корхонасининг АТ «Пахтабанк» туман бўлимидаги ҳисоб рақамига сохта ҳужжатлар орқали қайтариб юборади.

Бу билан банклар «Ҳаким-Йўлдош» фермер хўжалигининг пул маблағларини ноқонуний равишда туманда фаолият кўрсатаётган бошқа фермер хўжаликларининг қарзларини тугатиш йўлида мақсадсиз ишлатиб юборишга йўл қўйган.

Туман прокуратураси аралашуви билан фермер хўжалигининг бузилган манфаатлари тикланиб, ноқонуний ўтказиб юборилган 15 миллион сўм пул маблағи «Ҳаким-Йўлдош» фермер хўжалиги ҳисоб рақамига қайтариб берилиши таъминланди.

2003 йил пахта ҳосили учун тумандаги фермер хўжаликларига пахта пуллари тўланишида ҳам жиддий қонунбузарликлар борлиги аниқланди.

«Абай» хўжалиги ҳудудида 1996 йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Муҳиддин» фермер хўжалиги ўтган йили шартномавий режадаги 59 тонна пахта хомашёси етказиб берди. Лекин давлатга топширган пахта хомашёси учун фермер хўжалигига тегишли 3 миллион 127 минг сўм пул маблағи «Иржар» пахта тозалаш корхонаси томонидан тўланмаган.

Тайёрловчи идора – «Иржар» пахта тозалаш корхонаси қарзи фақат шугина эмас. Корхона «Нурбол» фермер хўжалигидан 785 минг, «Файзулла» фермер хўжалигидан 2.733 минг, «Пардабой ота» фермер хўжалигидан 1.762 минг, «Тўйлибой» фермер хўжалигидан 1.184 минг, «Салтанат» фермер хўжалигидан 1.149 минг, «Нургали» фермер хўжалигидан 1.111 минг, «Ержан-20» фермер хўжалигидан 1.626 минг, «Ерлан» фермер хўжалигидан 1.080 минг, «А.Темур» фермер хўжалигидан 583 минг, «Жомбил-20» фермер хўжалигидан 1.504 минг сўм қарздорлиги маълум бўлиб қолди.

Туман прокуратураси юқорида номлари келтирилган фермер хўжаликлари манфаатини ҳимоя қилиб, жами 13 миллион 517 минг сўмлик қарздорликни ундириш юзасидан қонуний чора-тадбирлар белгилади. Яқин орада бу пуллар эгаларига қайтарилади.

**А.АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

